

**ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТИНГЛОВЧИ
ВА КУРСАНТЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТИНИ
ШАКИЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ
(ИИВ Академияси мисолида)**

Алимов Мавлон Махаматходжаевич
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳарбий тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси подполковник

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва Жамоат хавфсизлиги Университети мисолида тингловчи ва курсантларининг касбий маданийатини шакиллантиришнинг илмий-назарий жиҳатлари, онгу-тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, она-Ватан ва халқига муҳаббат, садоқат туйғуларини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларга оид таклифлар ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси, статистик маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Маънавий етуклик, тарбия, ҳарбий ватанпарварлик, ижодий, хорижий тажриба, интелектуал, рақамли маълумотлар.

**НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ СЛУШАТЕЛЕЙ И
КУРСАНТОВ ВЫСШИХ ВОЕННЫХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ
(на примере Академии МВД РУз)**

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются существующие проблемы и пути их решения в реализации творческого и интеллектуального потенциала молодежи Узбекистана. Освещаются условия и возможности, созданные для всестороннего развития молодежи, по воспитанию ее в духе патриотизма и любви к Родине.

Ключевые слова: патриотизм, верность Отечеству, благосостояние народа, воспитание, военный патриотизм, молодежь, концепция, творческий, интеллектуальный.

**SCIECNTIFIC AND THEORETICAL ASPECTS OF THE FORMATION
OF PROFESSIONAL CULTURE OF STUDENTS AND CADETS OF
HIGHER MILITARY EDUCATIONAL INSTITUTIONS**
(On the example of the Academy of ministry of Internal Affairs)

ABSTRACT

The article daels with the existing problems and ways to solve them in implementation of creative and intellectual potential of the youth of Uzbekistan in a healthy and harmonious way, as well as the conditions and opportunities created for their upbringing in the spirit of patriotism and all-round development.

Keywords: patriotism, loyalty to the Fatherland, welfare of the people, education, military patriotism, youth, concept, creative, intellectual.

КИРИШ

Хозирги кунда юртимизда ёшларнинг интеллектуал ва касбий маданиятини юксалтириш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда. Зеро, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг порлоқ келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган баркамол, етук, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлиланган тадбирда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” иборасига алоҳида тўхталиб, “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойdevор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади”, деди[1]. Бугунги кунда Республикаизда ҳарбий таълим сифатини ошириш, педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, илгор хорижий тажрибалар, илмий ишланмалар ва технологияларини ўрганиб чиқиб олий ҳарбий таълим муассасалари ўкув жараёнига жорий қилиш, бўлажак ҳарбий-педагог кадрларни тайёрлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятни кўллаб-куватлашга қаратилган туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда[5].

АДАБИЙТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплексизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон Фармонига мувофиқ, ички ишлар органларининг маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини белгилаб берувчи барча идоравий буйруқларни бирлаштириш ва мазкур соҳадаги ҳуқуқий базани янада

такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5077-сон Қарори асосида ички ишлар органлари ва миллий гвардия тизимида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ривожлантирилди ва таълим муассасаларининг энг муҳим вазифаси деб белгиланди.

Шу билан бирга, олий ҳарбий таълим муассасаларида касбий маданиятга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш жамият истиқболини юксалтиришнинг негизи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тингловчи ва курсантларда касбий маданиятни шакллантириш жамиятнинг, миллатнинг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи қудратли куч, инсон ва жамият ривожланишининг негизи сифатида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг бош омили ҳисобланади. Касбий маданиятли мутахассисларни тайёрлаш иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Касбий маданиятга эга бўлган мутахассислар жамият ва миллат равнақининг пойдевори саналади. Демак, касбий маданият ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, юртимизда бу борада ислоҳатларни амалга оширилиши долзарб масала бўлиб қолади. Шу сабабли мустақил Ўзбекистонда касбий маданиятли кадрларни тайёрлашга кучли эътибор берилишининг боиси ҳам ана шунда.

Бундан кўриниб турибдики, тингловчи ва курсантларни тайёрлашда касб маданияти, маданиятлилик тушунчалари ходимлар фаолиятининг ажralmas қисми доимий эътиборда бўлиб қолмоқда. Маданият – инсон камолоти сарчашмаларидан биридир.

Дарҳақиқат, олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчи ва курсантларининг **касбий маданияти тушунчаси ва уни таҳлил қилиш учун, биринчи навбатда, «касб», «маданият», «фаолият» каби тушунчаларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.** Ушбу тушунчалар орасида «маданият» тушунчаси муҳим ўрин тутади. Чунки маданият улкан ҳодисотлар оламини қамраб олган ва мавҳумотнинг юксак даражасидаги энг умумий фалсафий-ижтимоий тушунчалардан бири ҳамда маданият назарияси таҳлилини тўғри йўналтира олиши ижтимоий жараёнларга холис баҳо беришга яқинлашишни ва ижтимоий ҳодисаларга муносиб таъсир кўрсатиш йўлларини топишни англатади.

Бугунги кунда ҳар бир соҳа фаолиятида малакали кадрлар тайёрлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки ҳар бир олий таълим муассасалари

битириувчиларининг амалий фаолиятга кўнишиш тартиби турлича бўлиб ушбу жараён ёш кадрлардан юксак даражадаги билим ва маҳоратни талаб этмоқда[5].

Президентимиз, Куролли Кучлар Олий Боз Қўмондони Ш.М. Мирзиёев: “Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачигидек асранг!” деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак¹” – дея, касбий маданиятни шакллантириш масаласига маърифий ёндашиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида кўрсатиб ўтган. Агарда, касбий маданиятни таркиб топтириш ва оммавийлаштиришнинг замирига эътибор қаратсак, бунда инсон мужассамлашганлигини қузатиш мумкин. У, хоҳ тиббиёт ходими ёки муҳандис, устоз-мурабийми ёки тадбиркор, ижодкорми ёки ҳарбийми мудофаа, ёки ички ишлар органлари ходими ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун билимга эга бўлиш талаб этилади. Бунинг учун Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганидай “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишманлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”.

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”. Шунда, жамоат хавфсизлиги ва ички ишлар органлари фаолияти янада ҳам мустаҳкамланиб, жамиятимизда касбий маданиятига риоя этиш тамойилларига қатъий амал қилиш таъминланади.

Ўзбек халқининг ахлоқий тафаккурида касбий ва ахлоқий маданиятга оид қарашлар пандномаларда, халқ оғзаки ижоди намуналарида, диний ва дидактик манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, «Авесто»да меҳнатга ҳурмат, касбга садоқат, хушмуомалаликка чақиравчи ҳикматлар, Ислом динида касб қилиб топилган бойликлардан закот берилиши, ҳар бир мусулмон одам касбининг орқасидан ҳалол йўл билан ризқ топиши кераклиги ҳақидаги ўгитлар одамларда касбий маданият ривожи одоб-ахлоқ қоидаларига боғлиқ эканлиги асосланган.

Мусулмон Шарқи маданий тараққиётида ҳунарни ўзлаштириш ва эгаллаш, касб ўрганиш ва ўргатишга қўйиладиган ахлоқий талабларга оид масалалар Бурхониддин аз-Зарнужий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби алломаларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь www.press-service.uz (мурожаат санаси 14.02.2020).

маънавий меросида атрофлича таҳлил қилинган. Шахс касбий фаолиятида касбий ва ахлоқий маданиятни уйғунлаштиришнинг ижтимоий зарурияти билан боғлиқ илмий изланишлар XX аср жаҳон фалсафий тафаккурида алоҳида ўрин эгаллаган ва кенг қўламли тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотларни шартли тарзда икки туркумга ажратиш мумкин. Биринчи туркумга – касбий фаолият ва унинг маданий мезонлари ижтимоий жараён сифатида ўрганилган тадқиқотлар:

НАТИЖАЛАР

Тингловчи ва курсантлар касбий фаолияти давомида қуидагиларни улддалай олишлари лозим:

– ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб бориши, ўзининг дунёқараси, билим ва тажрибасини доимий равища кенгайтириш, янги билимларни ўзлаштиришга интилиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги ахборотларни олиш, илғор тажрибаларни ўрганиш;

– хизмат бурчини бажаришга вижданан ёндашиш, ватанга сидқидилдан хизмат қилиш, моддий ва маънавий бойликларимизни асраб авайлаш, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан мунособатда бўлиш; – юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатлар, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш, сезгирилик, зийраклик, кузатувчанлик, ҳамда билиш билан боғлиқ интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш;

– ҳар томонлама кенг билим ва юксак профессионал маҳоратга эга ҳарбий хизматчи бўлиш, фавқулодда ва кескин шароитларда ўзи мустақил равища ностандарт қарорлар қабул қила олиш;

– ҳарбий санъатни ўрганиш, ўз касбий билимдонликларини доимий тарзда ошириб бориши, яъни мустақил тарзда ҳарбий қурилиш, ҳарбий тактика ва стратегияга, ҳарбий бошқарув ва касб одобига оид илмий адабиёт ва оммавий нашрлардан фойдаланиш;

– хизмат муносабатларида ҳушмуомаликка амал қилиб, Умумҳарбий низомлар доирасида ҳарбий бурч ва мажбуриятларни бажариш, жамоат жойларида ўзини муносиб тутиш, шахсий хулқ-атворни назорат қилиб бориши;

– хорижий тилларни ўзлаштириш, хорижий тилда турли жанрдаги (телеқўрсатув, радио эшилтириш, эълонлар, янгиликлар ва ҳ.к.) аудио ва видео матнларни эшитиб, асосий маъносини тушуниб муҳокама қила олиш, ҳар қандай оғзаки нутқни тинглаб тушуниш;

– рұхан ва жисмонан тетик, бардам, хүшёр, доимо огоҳ бўлиш, иродасини чиниқтириб бориши, оғир дамларда сабр-бардошли бўлиш, хизмат ва касб сирларини сақлаш;

– касбий фаолиятда жуда кўп учрайдиган ностандарт вазиятларда мустақил қарор қабул қилишга, шунингдек, бутун касбий фаолият жараён-ҳодисаларини таҳлил қилишга имкон берувчи фикр доираларини кенгайтириш.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, олий ҳарбий таълим муассасаларида касбий маданият уйғунлигини ўрганиш қатор хулосаларга келиш имконини берди:

1. Касбий маданият ва уни ривожлантириш масаласига янгича қараш, яъни асосий мақсад инсоннинг ўзини ўзи чуқур билиши, англаши, идора қилиши, ўз-ўзини такомиллаштириш, жамият ва ўзи ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш асосида қарашини тақозо этмоқда. Профессионаллик фақат касбий маҳоратга эришишгина эмас, балки шахснинг характеристики, интеллектуал фазилатлари ҳамдир. Шунинг учун професионалликка эришиш шахснинг профессионал ривожланиши билан узвий боғлиқдир.

2. Касбий фаолиятда ҳаваскорликдан професионалликка ўтиш жараёни, биринчидан, илмий асосланган билим ва назарияга таяниш, иккинчидан, замонавий таълим концепциялари ҳамда касб-хунар таълими моҳиятини ёритувчи ахборот хизматларидан хабардор бўлиш, учинчидан, ўз-ўзини такомиллаштириш, тўртингидан, ахлоқий тамойил ва мезонларга риоя қилиш, бешинчидан, асрлар синовидан ўтган анъаналаримиз, касб одоби хусусидаги мутафаккирларимизнинг бой мероси касбий фаолиятнинг замини бўлиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь. www.press-service.uz
2. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008. 173-б.; Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2015. 304-б.
- 3 Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. 56-б.; Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 48-б.; Мирзиёев Ш.М.
4. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 104-б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 488-б.
5. Акбарходжаев, К.А. Мустақиллик йилларида ҳарбий педагог кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ислоҳотлар / К.А. Акбарходжаев // Educational Research n Universal Sciences – 2023. – volume 2, issue 4, april. – Б. 286-288.